# ҚАЛБ САНДИҒИНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

***Она сути билан иймону эътиқод, ота намунаси билан ватанпарварлик, элсеварлик, аждодлар ўгити билан эса бунёдкорлик, инсонийлик ғоялари киши онгига сингийди. Бу уч сарчашмадан баҳраманд бўлган қалбда маънавий бўшлиқ бўлмас.***

Хўш, киши она сути, ота намунаси, аждодлар ўгитидан бебаҳра қолса-чи? Ундай касларнинг қалбида, онгида маънавий бўшлиқ пайдо бўлиши табиий!

Онгдаги бўшлиқ ўрнини васваса, ғафлат эгаллайди. Васваса, ғафлат эса инсонни тубанликка, бузғунчиликка, фитна-фасодга олиб боради.

▼ **Мушоҳада**

Қалб бўшлиғини (ваҳоланки, қалб — маънавият маскани) мутаассиблик, ҳасад, бадбинлик, худбинлик каби иллатлар эгаллаб олади. Бу иллатлар эса кишини ҳалок қилиши муқаррар.

Инсон қалбини улуғларимиз сандиққа ўхшатганлар. Маълумки, сандиқда энг қимматбаҳо, энг ноёб нарсаларни асраймиз. Сандиқнинг ичига бобо, момоларимиз дуру гавҳар, олтину олмосларни қўйганлар. Аслида қалб сандиғи ичидаги дуру гавҳар, олтину олмос, бу — Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, улуғларимиз ҳикмати, бир сўз билан айтганда, илму маърифатдир.

Бир тасаввур қилинг: сандиқнинг ичи бўм-бўш. Албатта, уни чанг, хас-хашак, ўргимчак эгаллайди. Бу чанг, бу хас-хашак, бу ўргимчак — назаримизда бегона ғоя ҳисобланади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд: «Инсоннинг қалбига муҳаббат уруғини экмоқдан олдин, уни бегона ўтлардан тозалаш шарт!» деганлар. Қалбни эгаллаган бегона ўт, бу — мутаассиблик, ҳасад, кибр, тама, худбинлик, маҳаллийчилик каби иллатлардир. Ерга деҳқон доимо ишлов бергани каби, маънавият масканн ҳисобланмиш қалб ҳам доимий ишловга муҳтождир.

Шу боис истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб Юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда маънавий тарбия давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шуни унутмаслигимиз керакки, собиқ иттифоқ замонасидаги маънавий бўшлиқ касофатидан обидабузар, авлиёлар маънавий меросини топтайдиган, ўз тарихини қоралайдиган, ўз тили, ўз миллатидан кечадиган манқуртлар пайдо бўлди.

Шукрки, истиқлол шарофати ила бундай хатти-ҳаракатларга чек қўйилди. Маънавиятга эътибор энг устувор вазифалар сирасига айлантирилди. Ҳақиқат шуки, она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан маърифат ёшлар қалбига сингмоқда.

Лекин бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳар бир киши ўз қалб сандиғининг эгасидир. Демак, қалб сандиғимизга хоҳлаган нарсани жойлаш ихтиёри бизга берилган. Хоҳлаган ўз қалб сандиғига дуру гавҳар, олтину олмосни жойлайди, хоҳлаган...

Қалб сандиғимизни нопокликдан асрасин...

**Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ.**

# «18-КВАДРАТ» — ДИПЛОМ СОҲИБИ

***Сўнгги пайтларда ўзбек киносининг нуфузи ортиб бораётганлиги ҳар биримизни қувонтиради. Зеро, бир қатор халқаро кинофестивалларда миллий киноасарларимизнинг совринли ўринларни қўлга киритаётгани бор гап.***

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига мувофиқ, "Ўзбекфильм" киностудиясида суратга олинган тажрибали режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг "18-квадрат" бадиий фильми ҳам ана шундай эътирофларга сабаб бўлмоқда. Бу — миллий кино санъатимизнинг дунё тан олаётганидан далолат беради. Таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст сценарийси асосида яратилган ушбу картинада ўзбек ўғлонининг Ватан туйғуси, унга бўлган муҳаббати ва садоқати қизиқарли ҳикоя қилинади. Шу жиҳатдан фильм кино мутахассисларида илиқ таассурот уйғотаётгани табиий.

▼ **Кино оламида**

Куни кеча мазкур киноасар Москвада ўтказилган "Золотой Витязь" халқаро кинофестивалида намойиш этилди. "Киноижодкорлар террорга қарши" махсус дастури бўйича тақдим этилган "18-квадрат" фильми Россия Миллий антитеррор қўмитаси томонидан юқори баҳоланиб, диплом ва махсус соврин билан тақдирланди.

Бунгача картина Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган бўлса, "Волкаламский рубеж" халқаро кинофестивалида "Миллий ўзига хослигига қарамай, ватанпарварлик мавзусини барчага тушунарли тарзда қамраб олгани учун" номинацияси бўйича диплом соҳиби бўлган эди.

**Тоҳир ШОМУРОДОВ.**

Инсон ўзинг...

# ОРТДА ҚОЛГАН ИЗ ЯХШИ

***Она қишлоғим Олмосда барчанинг эъзозу эҳтиромига сазовор Имомберди ота исмли бағрикенг бир инсон бор. У киши яшашдан мурод еб-ичишу бойлик орттириш эмас, балки одамларга яхшилик соғиниш, саховат кўрсатишдир, дейдилар, доим.***

Ота қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллар бригадир, мироб вазифасида ишлаган. Ўша кезлар ҳам у ана шу ақидада собит турганлигини, ҳалол- поклик билан яшаб келганлигини эл-юрт кўп ва хўп гапиради.

Имомберди ота нафақага чиққач, хайрли ишга қўл урди. Гап шундаки, қишлоқнинг Шувур маҳалласидаги катта жар неча йиллардан буён емирилишдан тўхтамас, чуқурлиги юз қулочга яқинлашиб қолганди. Оқибатда ҳудуддаги анчагина хонадон сувдан бебаҳра қолиши мумкин эди. Имомберди ота бунинг олдини олишга бел боғлади. Мутахассисларни жалб этиб, қандай тадбир қўллаш жоизлиги хусусида суриштирди. Уларнинг фикрича, жар тубида катта ҳажмдаги бетон-таъмирлаш ишларини амалга ошириш лозим экан. Аммо кутиб туриб бўлмасди.

Хўш, сўнгра нима бўлди, денг?

Имомберди ота ҳамқишлоқларни тўплади. Азалдан ор-номус, ҳамиятни устун тутган эл ҳашар йўли билан жарга шох-шабба ва тупроқ бостирди. Қизиғи, қишлоқ аҳлининг бу тахлит ҳамжиҳатлигини кўрган мутасаддилар бефарқ қараб туришолмади, ҳашарчиларга дарҳол ёрдам қўлини чўзишди. Шундай қилиб, кўпнинг ҳаракати билан тўрт ярим ой деганда жар-ўпқоннинг дами кесилиб, ёнидан ариқ кавланди. Обиҳаёт яна қуриб қолаёзган боғ-роғлар, экинзорлару дала-дашт томон йўл солди...

Шу боис, олмосликларнинг ҳар бири юрагида ташаббус сардорига меҳр кучайди. Бу эҳтиром ифодаси аҳиллик ва жўмардлик тимсоли бўлмиш сув ҳавзаси қирғоғига "Имомберди отанинг саховат қўли" деган ёзув муҳрлаб қўйилди.

Чустлик 75 ёшли нуроний, ҳанұз шижоати, завқию ғайрати сўнмаган Имомберди ота Дўсатовнинг ибратли ташаббуси бунинг ўзигина эмас. Одамлар унинг эзгу амалларга бош-қош бўлгани, муҳтожларга ҳамиша қўлдан келганича ғамхўрлик кўрсатишини таъкидлаб чарчашмайди. Тўғри-да, шундай инсонни эл-юрт ардоқламай қўярмиди?..

**Эрмамат НУРМАТОВ.**
Чуст тумани.

Спорт ● Sport ● Спорт

# ОЛИМПИАДАЧИЛАР ОРАМИЗДА

***Одатда полвонлар "Мен зўрман", деб кўкрагига муштламайди. Рақибини енгиб, олқишлар гулдастасига кўмилганда ҳам майин табассум ила таъзим қилиш билан кифояланади.***

— Андижон — паҳлавонлар юрти, — ғурурланади оғир атлетика бўйича вилоят терма жамоасининг бош мураббийси, халқаро тоифадаги спорт устаси Ойбек Турғунов. — Юртимизда ёшларнинг баркамол инсон бўлиб улғайишлари йўлида кенг кўламли ишлар қилинаётгани, айниқса, болалар спортига катта эътибор қаратилаётгани боис оламшумул ютуқларга эришилмоқда. Андижондаги Олимпия захиралари коллежида ҳам спортнинг бошқа турлари қатори оғир атлетика билан мунтазам шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган.

Спортга ошно тутинган Ғиёс Аҳмедов, Манзура Мамасолиева, Гулмира Эргашева, Дилфуза Бакирова сингари иқтидорли ёшлар бугун оғир атлетика бўйича сезиларли ютуқларга эришишди. Қолаверса, Рустам Маҳмудов, Алишер Нормирзаев, Шуҳрат Қорабоев сингари мураббийлар қўлида жисмонан, руҳан тобланаётган ёшлардан беш нафари республика катталар терма жамоаси, етти нафари ёшлар терма жамоасининг аъзолигига қабул қилинди.

Ўтган йил оғир атлетика бўйича вилоят терма жамоасига омадли келди. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоги баҳсларида андижонлик оғир атлетикачиларга тенг келадигани топилмади. Ғиёс Аҳмедов силтаб кўтариш баҳсларида 186 килограммлик чўққини забт этиб, ёшлар ўртасидаги мамлакат рекордини янгилади.

Манзура Мамасолиева Самарқанд, Хива, Чирчиқ, Тошкент шаҳарларида ўтказилган мамлакат кубоги ҳамда биринчилик беллашувларида шоҳсупа маликасига айланди. Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатидан соврин билан қайтди.

— Ҳозир жойларда спортнинг оғир атлетика тури бўйича саккизта бўлим фаолият кўрсатмоқда, — дейди вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармасининг бош мутахассиси Баҳромжон Сотволдиев. — Уларда 222 нафар полвон ўз маҳоратини ошираётир. Спортчидан жисмонан етуклик, ирода ва матонат талаб этадиган оғир атлетикага хотин-қизларимиз ҳам қизиқиш билдираётгани қувонарли. Айни дамда Манзура Мамасолиеванинг издошлари сони беш нафарга етди.

▼ **Истеъдод**

Андижонда спортнинг қатор турлари бўйича ўзига хос мактаб яратилгани айни ҳақиқат. Энди улар сафидан оғир атлетиканинг ўрин олаётгани ундан-да қувонарли. Кейинги пайтларда 13 нафар спортчи биринчи тоифа, 13 нафари спорт усталигига номзод, 3 нафари спорт устаси талабларини бажардики, бу натижалар вилоятда спортнинг яна бир навқирон тури бўй кўрсатаётганидан далолат беради.

Яна бир қувончли хабар. Яқинда Германиянинг Гамбург шаҳрида қизлар ўртасида тош кўтариш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. 70 килограмм вазн тоифасида спорт устаси Гулмира Эргашева иккинчи ўринни қўлга киритди. Яна бир вакилимиз халқаро тоифадаги спорт устаси Манзура Мамасолиева (60 кг.) шоҳсупанинг учинчи поғонасини банд этди.

— Бу сингари ғалабалар ҳали чегара эмас, — дейди қатъият билан мураббий. — Шогирдларимиз Ватанимиз байроғини бундан-да нуфузли мусобақаларда юқори кўтарадилар. Кўксиларини медаллар шодаси билан безайверадилар.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Гўзал яна чемпион

Енгил атлетиканинг 100 метрга югуриш баҳсларида Осиё қитъасида тенгсиз бўлган ҳамюртимиз Гўзал Хуббиева ўзининг навбатдаги ғалабасини нишонлади, деб хабар беради Start.uz сайти.

Гўзал Таиланд, Ҳиндистон ва Вьетнамда уюштирилган Осиё Гран-приси дастуридаги 100 метрга югуриш баҳсларида уч марта маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Шунингдек, ядро улоқтириш беллашувида Григорий Камоля бронза медали соҳиби бўлди.

## «Осиё болалари» совриндори

Саха шаҳри (Россия)да IV "Осиё болалари" спорт ўйинлари қизғин давом этмоқда.

Дастурдаги эркин кураш, бокс, дзюдо, спорт ва бадиий гимнастика бўйича ўн тўрт нафар ёш иқтидорли спортчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилаяпди.

Кеча бадиий гимнастика бўйича беллашувларда вакилимиз Валерия Давидова кумуш медални қўлга киритди.

Мусобақа 13 июль куни якунланади.

## Велоспортчиларимиз Хитойда

***Велоспорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси "Тур де Кинг Хайг Лейк" халқаро турнирида қатнашиш учун Хитойга жўнаб кетди.***



Нуфузли мусобақада Сергей Лагутин, Юсуп Абреков, Мавлон Тўраев, Эльдор Мукменов, Азизбек Абдураҳимов, Юрий Иволжатов, Мурожон Холмуродов ва Исмоил Каримовлар юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

Спорт ● Sport ● Спорт


**«KAFOLAT RIELT» МЧЖ**

**2008 йил 25 июль ва 1, 8 август кунлари соат 12.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади.**

***Аукцион савдоларига қуйидаги мулк бошланғич баҳоси пасайтирилган ҳолда қайтадан қўйилмоқда:***

«7-сонли Механизациялашган кўчма колонна» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Озод» ширкат хўжалигида жойлашган «7-сонли Механизациялашган кўчма колонна» МЧЖ банкрот корхонасига тегишли бино ва иншоот ҳамда бошқа мулклардан ташкил топган мулкий мажмуа.

Бошланғич баҳоси — 95 076 865 сўм.

Ушбу мулкни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдоридаги закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 238-69-94, 238-69-93.**

1124R/1195









**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**
**ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ**
**КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ "КЧМ",**
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

**Преимущества чугунных котлов:**
- наибольший срок службы среди других типов котлов
- конструкция, проверенная годами
- проработанная производственная технология
- несложное обслуживание и уход
- низкие требования к дымовой тяге
- широкий мощностной ряд
- универсальность (возможность работы на разных видах топлива)
- более высокое рабочее давление
- высокий КПД, недостижимый для других котлов

**КАФЕЛЬ** (облицовочный и напольный)
**САНТЕХНИКА** (унитазы , умывальники в большом ассортименте)
товар сертифицирован форма оплаты — любая
**ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ**
**Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04**
Торговый магазин, ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127


Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Акром Ориповга волидаи муҳтарамаси
**ХОСИЯТ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zgazloyiha» МЧЖ раҳбарияти Тошкент шаҳар енгил, мебель саноати ва коммунал хизмат ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Омонулла Сафаевга волидаи муҳтарамаси
**ҲОЖИЯ аянинг**
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Магистратура бўлими бошлиғи А.С.Ибадуллаевга онаси
**ШУКУРЖОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**Халқ сўзи — Народное слово**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 1.50 1234567